

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ЖАЛБ ЭТИЛГАН ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Арслонова Малика Шухратовна
Банк-молия академияси магистранти

Аннотация: Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйнамоқда. Хорижий инвестициялар мамлакатга капитал, замонавий технологиялар, менежмент тажрибаси ва янги иш ўринларини тақдим этиш орқали иқтисодиётни модернизациялашга ёрдам беради.

Калит сўзлар: тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, иқтисодий ривожланиш, капитал, замонавий технологиялар, иқтисодий самара, янги иш ўринлари.

Abstract: Foreign Direct Investments (FDI) attracted to the economy of Uzbekistan play a crucial role in the country's economic development. Foreign investments help modernize the economy by providing capital, modern technologies, management experience, and new job opportunities.

Keywords: foreign direct investments, economic development, capital, modern technologies, economic efficiency, new job opportunities.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар мамлакат иқтисодиётининг реал сектори корхоналарини модернизация қилишнинг асосий омили бўлганлиги сабабли, Ўзбекистон ҳукумати тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришни давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қарайди.

1-жадвал. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг миқдори ва даражаси⁵


Кўрсаткичлар	2020й.	2021й.	2022й.	2023й.
Жалб этилган хорижий инвестицияларнинг миқдори, млн. АҚШ доллари	3117,8	4276,0	2631,1	3182,7
Жалб этилган хорижий инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан даражаси	35,8	32,4	35,8	40,9

1-жадвал маълумотларидан кўрингайким, республикаимиз иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг миқдори 2021 йилда 2020 йилга нисбатан

⁵ Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг статистик маълумотлари асосида тузилган

сезиларли даражада ошган, бироқ, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган.

1-жадвал маълумотларидан кўрингайким, республикаимиз иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан даражаси 2023 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, мазкур даврда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатини хорижий инвестицияларни ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги ва миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиш суръатини 2023 йилда юқори бўлганлиги (9,9 %) билан изоҳланади.



1-расм. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг миқдори, млн. АҚШ доллари⁶

1-расмда келтирилган маълумотлардан яққол кўринадики, мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг миқдори 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган, бироқ, 2023 йилда 2022 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган.

1-расмда келтирилган маълумотлардан яққол кўринадики, республикаимиз иқтисодиётига жалб этилган портфельли хорижий инвестицияларнинг миқдори 2021 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада кўпайган, лекин, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан кескин камайган. Бунинг устига, портфельли хорижий инвестицияларнинг миқдори 2023 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бу эса, хорижий инвестицияларни жалб этиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

⁶ Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги//www.lex.uz.
2. Евдокимова С.С. Особенности и проблемы кредитования российскими коммерческими банками предприятий малого и среднего бизнеса // Финансы и кредит. Выпуск № 11 (635) / 2015 [Электронный ресурс].
3. Самиева Н.Д. Проблемы кредитования малого и среднего бизнеса коммерческими банками в России // Российские регионы: взгляд в будущее. Выпуск № 1 (6) / 2016.

